

Сув тошқини Аллоҳнинг жазосими?



17:05 / 04.05.2020 6025

Охирги пайтлар юртимизга келган сув тошқини ва корона каби синовлар ортидан кўплаб мўмин биродарларимизнинг, хусусан, баъзи аҳли илм биродарларнинг “Бу Аллоҳнинг балоси”, “Аллоҳнинг жазоси” каби гапларига кўзимиз тушяпти. Воқеликка бундай ҳукм бериш, айниқса баъзиларнинг жазм билан бу нарсани ҳеч қандай шубҳасиз, гўёки Аллоҳдан ваҳий олгандек, гапириши албатта кўпчиликнинг қалбини оғритмай қолмайди.

Аслида муносабатимиз қандай бўлиши керак?

Бунга жавоб беришдан олдин икки муҳим қоидани, икки буюк ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак:

Биринчи ҳақиқат:

Билингки, Аллоҳдан мўминларга бир синов келса, бундан икки нарсани кўрамиз:

1. Бу - жазо. Бундай ўйлашимиз хавф - қўрқувдан ҳисобланади.
2. Бу раҳмат ва тавба қилишга фурсат – бунда биз билмаган яхшиликлар бор. Бундай ўйлаш эса ражо – умидворликдан ҳисобланади.

Мўмин киши доимо мана шу иккаласининг - қўрқув ва умидворликнинг ўртасида туради.

Ражонинг ҳаддан ортиқ устунлиги амалларни қолдириб, Аллоҳнинг раҳматидан асоссиз умидвор бўлиб юришга, охир - оқибатда муржиаликка олиб келса, хавф-қўрқувнинг ҳаддан ортиқ устунлиги умидсизлик, такфирчилик, хаворижлик ва бошқа шайтоний йўлларга бошлайди.

Хўш, бу иккаласи тенг бўлиши керакми?

Йўқ. Мўмин киши доимо Аллоҳдан қўрқиши, бироқ умидворлик унинг қалбида устунроқ бўлиши керак. Аллоҳ ҳақида, уни она боласини яхши кўрганидан чексизлик баравар кўпроқ яхши кўрадиган, раҳмати барча нарсани қамраб олган Роббиси ҳақида яхши гумон унинг қалбида кучлироқ бўлиши керак.

Бу умидворлик ҳаддан ошганини қандай биламиз?

Агар мана шу умидворлик “Аллоҳ кечиради, Аллоҳ раҳмли” дея фарзларни ташлаш ёки ҳаромдан сақланмасликка олиб борса, ўшанда у ҳаддан ошган умидворлик бўлади.

Бу биринчи ҳақиқат эди.

Иккинчи ҳақиқат:

Аллоҳ берган нарсаларнинг жазо ёки яхшилик экани ўша нарса сизга ёқиши ёки одамлар наздида яхши нарсадек кўриниши билан ўлчанмайди. Масалан, фарзанд одамлар наздида яхшилик. Ваҳоланки, у бало ва жазо бўлиши ҳам мумкин, қанчадан - қанча фарзандлар борки, ота-оналарига икки дунёда ёмонлик келтирадилар. Ёки вабо – оғир касаллик. Бу одамлар наздида ёмонлик, бироқ аслида яхшилик бўлиши мумкин. Ким унга сабр қилиб вафот топса, шаҳид мақомида бўлади.

Демак, ҳаётингиздаги ҳар қандай нарса - синов ва ўша синов жазоми ёки мукофотми билиш учун унинг одамлар наздидаги баҳосига қараш кифоя қилмайди. Шунинг учун Роббимиз айтади:

هُلِّلْ أَوْ مُكِّلْ رَشَوَةٌ وَأَيُّ شَيْءٍ أَوْبَحُّتْ نَأْسَ عَوْ مُكِّلْ رِيحٌ وَهُوَ أَيُّ شَيْءٍ أَوْهَرَكَّتْ نَأْسَ عَوْ
نُؤْمَلِّغَتْ أَلْمُتْنَاؤْمَلِّغِي

«Балки ёқтирмаган нарсангиз сиз учун яхши бўлар. Ва балки ёқтирган нарсангиз сиз учун ёмон бўлса. Аллоҳ билади, сиз билмайсиз.»

(Бақара сураси, 216- оят)

Хўш унда бирор нарса бизга яхшилик – неъмат қилиб берилдими ёки жазо қилиб берилдими, буни қандай биламиз?

Буни билишнинг жуда осон йўли бор:

Қарайсиз, ўша нарса сизни кўпроқ дуо ва ибодат қиладиган қилиб, Аллоҳга яқинлаштирдими ёки аксинчами? Ўша нарса сабаб ҳаромлардан сақланиб, фарзларни бажарадиган бўлдингизми ёки аксинча ҳаром ишлар қилиш ва фарзларни ташлашга сабаб бўлдимиз? Илм олиш бўлсин, бойлик бўлсин, касаллик бўлсин, ушбу тошқин бўлсин, барчасини Аллоҳ синов ҳовлиси бўлган бу дунёда сизга раҳмат қилиб бердими ёки жазо ва истидрож қилибми мана шу саволга жавоб бериш билан билиб оласиз:

Бу сизни фарзларни бажарадиган, ҳаромдан тийиладиган ва Роббингизга кўпроқ тавба-тазарруъ қиладиган мўминга айланттирдими ёки аксими?

Агар шу икки қоидани яхши тушуниб олган бўлсак, сўнгги пайтларда ҳаётимизда бўлаётган синовларга қандай муносабатда бўлишимиз кераклиги мавзусига қайтиб, айтамыз:

Аввало, мўмин биродарингиз бошига мусибат келса, бу сенга жазо, бу ёмонликлар кўпайгани учун келди, дейишга шошманг. Биринчидан, сиз буни Аллоҳ нега юборганини аниқ билмайсиз. Қолаверса, бундай муносабат Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатлари ва исломнинг одобларига зиддир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

اورفنت الو اورشوب

«Яхши башоратлар беринглар, нафратланттирманглар!»

Биров оғир касалликка дучор бўлса, унга бу касаллик гуноҳларинг сабаб келган жазо демайсиз, балки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларига амал қилиб, “тоҳур иншааллоҳ” (маъноси: иншааллоҳ, бу касаллик сизни гуноҳлардан покловчи) дейсиз.

Ўша одам гуноҳ иш қилаётганини кўрсангиз, унга касаллик келишидан олдин, бало келиши мумкин деб айтсангиз - яхши. Бироқ касаллик келгач, уни чиройли сабрга ва тавбага чиройли башоратлар билан ундайсиз.

Бинобарин, бундай синов келишидан олдин одамларни огоҳлантириб айтсангиз яхши эди. Энди эса уларга бу Аллоҳнинг жазоси дейиш ҳикматдан бўлмаса керак.

Каҳф сурасини эсланг. Мусо алайҳиссаломга Ҳизр алайҳиссаломга берилган ғайб илмлари берилмаганди. Бинобарин, Ҳизр алайҳиссалом болани ўлдириши, кемани чўктириб юбориши Мусо алайҳиссалом учун адолатсизлик ва ёмонлик бўлиб кўринди. Бироқ Аллоҳ учун ва Аллоҳ мана шу масалаларда ғайбни билдиргани Ҳизр алайҳиссалом учун бу ишлар яхшилик эди. Сиз билмайсизки, бу корона ва тошқин ортида қанчадан – қанча яхшиликлар бордир, биз буни кўрмаймиз, Аллоҳ буни билади.

Шундай экан, одамларга Аллоҳни ғазаб қилувчи, инқитом олувчи, ёмон кўрувчи қилиб эслатишга шошманг, бундан бошлайдиган бўлманг. Айниқса, уларга мусибат келиб турган пайтда, гуноҳлари билан юзларига урманг.

Албатта сиз бу билан уларни Аллоҳнинг ғазабидан қўрқитиб, ислоҳга бошлайман, дерсиз. Бироқ билинги, қўрқув қилолмаган ишларни муҳаббат қилади. Ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гўзал сўзларини яна бир бор эсланг:

Яхши хабарлар беринглар, нафратланторманглар!

Аллоҳнинг марҳамати ва муҳаббати мўмин бандаларига ғазабидан кўра кўпроқ бўлганидек, муҳаббатнинг одамлар қалбидаги таъсири қўрқувнинг таъсиридан кучлироқдир. Роббимиз айтади:

نَدَّ لِلْأَهْلِ بِكُفْرِهِمْ وَأَسْفَفَ فِي شَأْنِهِمْ لَوْلَاكَ تَعَسَوْا وَيَتَمَحَّرُونَ بِأَشْرَانِمْ هَبْ بِي صُأْيَبَادَعَلِاق
نُونُومُؤِي أَنتايَاب مُهَنَدِلْأَوَءَاكُزَلَانُونُؤِي وَنُونُؤِي

«Агар қайтарилган нарсаларнинг катталаридан (кабира гуноҳлардан) четда бўлсангиз, гуноҳларингизни кечирамиз ва сизни Жаннатга киритамиз.»

Шундай экан, одамларга уларнинг бошларига тушган синовлар Аллоҳнинг жазоси ва балоси деманг, балки, сабр қилиб гуноҳлардан покланиб олишлари учун Аллоҳнинг раҳмати денг.

Айтингки, албатта бу синовлар ортидан икки ўз енгиллик ва яхшилик бор. Зеро, мўмин бандаларига меҳрибон ва раҳмли бўлган Роббимиз таъкидлаб айтади:

{(6) أَرْسِيْ رُّسُوْلًا لِّعَمَّ نَّ إِنِّي (5) أَرْسِيْ رُّسُوْلًا لِّعَمَّ نَّ إِنِّي }

حرش ل : 5-6

Оятлар маъноси:

«Албатта, қийинчилик ортидан осончилик бордир. Албатта, ўша қийинчилик ортидан яна бир осончилик бордир.»

Маҳмуд Усмон